

10-10-2019

## THE EXPRESSION OF TYPES OF ART IN NATIONAL HOLIDAYS

Gulchekhra Mamurovna Shadimetova

*NUU, Senior teacher of Department of Ethics and Aesthetics*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Shadimetova, Gulchekhra Mamurovna (2019) "THE EXPRESSION OF TYPES OF ART IN NATIONAL HOLIDAYS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 10 , Article 29.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/29>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

---

## THE EXPRESSION OF TYPES OF ART IN NATIONAL HOLIDAYS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

**МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАРДА САНЪАТ ТУРЛАРИНИНГ ИФОДАСИ**

Шадиметова Гулчехра Мамуровна  
ЎзМУ “Этика ва эстетика” кафедраси  
катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистонда нишонланадиган байрамлар – жамият ҳаётидаги ютуқларни, фуқароларнинг ўзаро дўстона муносабатларини, миллатнинг маънавий қадриятларини, эстетик маданиятини анъаналарга таянган ҳолда гоёвий-бадий шаклда нишонланадиган давлат тадбирларини келгуси авлодга етказувчи воситаси эканлиги таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** миллий байрамлар, театрлаштирилган томоша, миллий қадриятлар, санъат турлари, бадий яхлитлик.

**ВЫРАЖЕНИЕ ВИДОВ ИСКУССТВА В НАЦИОНАЛЬНЫХ ПРАЗДНИКАХ**

Шадиметова Гулчехра Мамуровна  
Старший преподаватель кафедры “Этики и эстетики” НУУз

**Аннотация:** В данной статье анализируются праздники, отмечаемые в Узбекистане, как средство передачи успехов в общественной жизни следующему поколению государственных мероприятий, которые традиционно отмечаются в идеологически-художественной форме, основанных на традициях, дружеских отношениях граждан, духовных ценностях и эстетической культуре нации.

**Ключевые слова:** национальные праздники, театрализованное представление, национальная ценность, виды искусств,

**THE EXPRESSION OF TYPES OF ART IN NATIONAL HOLIDAYS**

Shadimetova Gulchekhra Mamurovna  
NUU, Senior teacher of Department of Ethics and Aesthetics

**Abstract:** This article explains that how the holidays celebrated in Uzbekistan have gone from the level of public events to the level of state events. Theatrical performances are a means of conveying the achievements of the people in the life of society, the spiritual values and the aesthetic culture of the nation to the next generation as the state events, which are celebrated in an ideological and artistic form.

**Keywords:** national holidays, theatrical performance, national values, types of art, artistic integrity

Ўзбекистон 1991 йил мустақилликка эришгандан сўнг янги шакланган байрамларни тантанали нишонлаш, уларда намоён қилинган миллий қадриятларни ёшларимиз ўртасида ташвиқ қилиш, оммани байрамларнинг фаол иштирокчисига айлантириш орқали эркинликнинг теран мазмунини, моҳиятини улар қалби ва онгига синдириш тантана ташкилотчилари учун долзарб масалага айланди. Чунки, миллий байрамлар ўзининг бадий-эстетик образлари воситасида – “мустақиллик”,

“миллий ўзликни англаш”, “ўзликни сақлаш”, “миллий онг” ва “миллий ғурур” каби тушунчалар мазмунини атрофлича ёритиб, уларни театрлаштирилган бадиий томошалар шаклида ўзлаштиришга имконият яратди.

Бундай имконият халқимизнинг руҳини, ўзлигини англашга қаратилган саъий ҳаракатларини, туб ўзгаришларга нисбатан фаоллигини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган оммавий-бадиий воситалардан кенг фойдаланиш ҳуқуқини берди. Натижада байрамларни тантанали нишонлаш бир онга бўлсада, кишиларни дунё ташвишларидан халос қилиб, улар қалбида ҳаётга, келажакка ишонч билан қараш туйғусини уйғота бошлади.

Мустақиллик туфайли ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар миллий кадриятларни тиклаб, инсонларнинг бадиий-эстетик эҳтиёжларидаги янгиланишларни вужудга келтирди. Бу эса боқимандалик кўникмасидан узоқлашиб, борлиққа ижодий ёндашув эҳтиёжини туғдирди. Айнан театрлаштирилган байрам ва томошалар–тафаккури янгиланаётган инсонларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришда ифода воситаларининг ранг-баранглиги билан оммавийлашиб борди. Сабаби янги шаклдаги байрамларни мунтазам равишда тантанали нишонлаш анъанага айланган эди.

Байрамлар шаклидаги томошалар – “келажакнинг мулоқот тили” деб бежизга айтилмайди[1]. Шунингдек, байрамнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамияти – “миллий анъаналарни тиклаб, инсоният маданиятининг ютуқларини мустаҳкамлаши билан қимматли” дир[2]. Айнан шунинг учун, байрамлар ўтмишдан миллий кадриятларнинг дурдоналарини териб, сайқалланиб келган маданиятимизни театрлашган бадиий шаклда намоён қилиб, ўзликни англаб етишда муҳим омил бўла олади.

Ўзбекистон XXI асрга байрамлар мамлакати сифатида кириб келди. Оммавий давлат тадбирларида барча санъат турларининг синтезлашган кўринишидаги, тантанавор, ўзбекона бадиий ифодаси жаҳон маданиятшунослари ва байрамшунослари томонидан, янги шаклдаги театрлашган, мусиқали – хореографик бадиий композиция сифатида эътироф этилди[3]. Ўзбекона шаклдаги бундай тантанаворликда ҳужжатли публицистика ва бадиий образлиқ ўзаро бирлашиб, синтезлашган тадбир томошасига – миллийлик, ифодавийлик, ғоявий теранлик, улуғворлик ва эстетик таъсирчанлик бағишлади.

Театрлаштирилган байрамлар ва оммавий тарздаги давлат тадбирларининг мутахассислар эътиборга лойиқ бўлишида амалий санъат турлари бадиий безакларининг ўрни беқиёс. Тадбир безакларининг кўргазмали, ғоявий-эстетик қиммати, аввало, синтезлашган санъат турларининг бадиий ифодавийлик даражасида ва инсон ҳис-туйғуларига дарҳол таъсир этиш кучидадир. Чунки, тадбирдаги мавзуга ва ғояга мос турли-туман либослар, техник воситалар, санъат турларининг бадиий ифодаси одамларнинг байрамона кайфияти, мақсадга мувофиқ ҳаракатланиши, ўзаро мулоқотга киришиб, бир-бирини қутлаб эстетик ҳис туйғулар таъсирида бўлиши ўзига хос руҳий кучга эга. Демак, театрлашган, мақсадга мувофиқ жамланган санъат турларидан пайдо бўлган завқли туйғулар байрам томошаларининг бадиий улуғворлигини таъминлаб, минглаб томошабин-

ларни гўзаллик оламига олиб киради.

Янгиланган давр байрамларини ташкиллаштириш асосан икки қисмдан – барча санъат турларини уйғунлаштирган томоша сценарийсини яратиш ва уни сахналаштириш, яъни томошага айлантиришдан иборат бўлади. Жаҳонгир Маматқосимов ўзининг – “Театрлаштирилган оммавий тадбирлар” деб номланган сценарийлар тўпламида оммавий тадбир сценарийсини яратишнинг асосий босқичларини таҳлил қилган. Рисолада оммавий тадбир сценарийсининг мавзуси, ғояси, композиция қонунлари асосида – санъат турларининг уйғунлашган муқаддимаси, тугуни, ҳаракатлар ривожини, кульминацияси ва финал масалалари кўриб чиқилган[4].

Дарҳақиқат, миллий байрамларининг бадиий-ғоявий мазмунини тарғибот-ташвиқот қилишда санъат турлари ифода воситаларидан тўғри фойдаланиш масаласи инобатга олинди. Чунки, санъат турлари мақсадга мувофиқ синтезлашган ҳолда тарғиб қилинса, унда бирваракайига ранг-баранглик, мукамаллик ва жонлилик хусусияти мавжудлиги аён бўлади.

Театрлаштирилган томошаларнинг таъсир кучи унинг таркибий қисмлари ўзаро диалектик алоқадорликда ва уйғунликда мавжудлигидадир. Демак, оммавий томоша ва сайилларда барча санъат турларининг маъжозийликдаги синтези томошабин эстетик идроки учун бадиий уйғун яхлитликни яратиш беради.

Шунингдек, инсон ҳаётида, унинг эстетик тарбиясининг шаклланишида барча санъат турларини ғояга мувофиқ уйғунлаштирувчи театрлаштирилган байрамлар катта аҳамиятга эга экан. Чунки, байрамлар миллатнинг моддий ва маънавий маданиятини энг яхши томонларини кўрсаткичидир. Ер юзидаги ҳар бир миллат, элат ва халқнинг ўз тараққиёт тарихи жараёнида шакланган миллий байрамлари бор. Дунё байрамшунослари таъкидлашча, халқнинг энг диққатга сазовор удумлари, ютуқлари байрамларда намоён бўлади. Чунки, кишилар байрамларда: энг яхши кийимларини киядилар; лаззатли таомлар тайёрлайдилар; кўтаринки кайфиятга ҳамроҳ бўладилар; энг яхши анъаналарга риоя этадилар; ўзларини қобилиятларини, ижодкорликларини намойиш қиладилар. Юқоридагиларда санъатнинг барча турлари мақсадга мувофиқ уйғунлашади ва бадиий яхлитликка эга бўлади.

Жаҳон халқлари тажрибаси асосида такомиллашган Ўзбекистон байрамларида – ижтимоий, маданий ва маънавий ютуқларни намойиш этувчи, шу ютуқлар асосида эстетик идеални тарбияловчи восита эканлигини инобатга олиб, унинг ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатувчи хусусиятларига кенг эътибор қаратилди. Сабаби, ёшларга ижобий таъсир қилувчи байрамлардаги ўзига хос сеҳрли куч бу – барча санъат турларининг мақсадга мувофиқ ғоявий уйғунлашган бадиий яхлитлигидадир.

Театрлаштирилган байрамларни томоша қилган ёшлар – маънавий қадриятлар ва миллий анъаналарга таянган ҳолда яшашни, миллатнинг бебаҳо меросини асраб-авайлаб, уни ўзидан кейинги авлодларга янада бойитган ҳолда етказиш зарурлигини англайди. Англаганлар эса халқ амалий санъат турлари яратган жиҳозлар тарихига назар ташлашни, турмушда фойдаланиш мумкин

бўлган турли материаллардан мақсадли фойдаланишни, улар доим инсонларнинг эстетик эҳтиёжларини қондириб келганлигини тушуна бошлайдилар. Амалий санъат турларининг фалсафий моҳияти эса, унинг кундалик турмушимизда фойдаланиладиган буюмларда гўзаллик руҳи уфуриб туришида ва безаклилик хусусиятига эга эканлигидадир. Бу моҳиятни англаб етган ёшлар амалий санъат усталарини, улар яратган жиҳозларни баҳолашга ва ардоқлашга ўрганадилар.

Амалий санъат турлари тарихига назар ташлаган ёшлар қадимдан кундалик турмуш эҳтиёжи учун қўлланиладиган ашёларини ясаш, уларни безаш, меъморлик иншоатларини турли нақшлар ва кошлар воситасида гўзаллаштириш орқали эстетик талабларга жавоб бериб келганлигига амин бўладилар. Айнан кундалик эҳтиёж ва эстетик талабларни бажарилиши натижасида ҳунармандчиликни санъатга айланганлигини билиб оладилар.

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон миллий қадриятларини қайта тиклаш мақсадида айнан халқ амалий санъатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари юзасидан бир қанча қарорлар, фармойишлар қабул қилди. Уларда халқ усталарининг ижодиётини кенг тарғибот қилиш учун ижодий уюшмаларни ташкил этиш масалалари ёритилди. Натижада, Ўзбекистоннинг бой маданиятини намоён қиладиган амалий санъат турларидан: миллий байрамларни нишонлашда; театрлаштирилган томошалар ташкил қилишда; турли хил кўргазмалар ўтказилишида; арт-бизнеснинг, яъни халқ санъати, халқ амалий санъатнинг эстетик олами намоёнишига эътибор қаратилди.

Техник воситаларнинг турмуш тарзимизга шиддат билан кириб келиши миллий байрамларининг тунги безакларида ҳал қилувчи воситалардан бири – рангли нур эканлигини англатади. Тадбирлар безагининг ғоявий-бадий таъсир кучини оширадиган воситалардан бири бўлган нур табиий ёки сунъий бўлиши мумкин. Театрлаштирилган байрамлар кўркига-кўрк қўшадиган безаклар асосан кундузи – табиий нур ва кечаси – сунъий нур қўлланишига қараб фарқланади.

Байрамларга жамланган инсонлар орасидаги муносабатларни уларнинг жонли мулоқотлари орқали янада яхшилаш, байрам иштирокчиларининг ҳистуйғуларини бойитиш, анъана ва урф-одатларнинг мазмундорлигини ҳамда таъсирчанлигини кучайтиришнинг муҳим воситаларидан яна бири – мусиқа, халқ кўшиқлари, куй ва рақслардир. Улар театрлаштирилган байрамларнинг зарурий ва асосий бадий компонентларидан биридир.

Мусиқа санъати бошқа санъат турлари каби кўриш орқали аниқ ёки муайян тасвир имконига эга бўлмасда, лекин у оҳангдор товушларни эшитиш орқали инсон қалбига кучли таъсир этиш, унинг руҳини қисқа вақт ичида ўзгартириш қудратига эга. Бу санъат турининг яна бир фарқи у миллийлик ва минтақавийлик хусусиятига эга. Мусиқа пардаларининг паст-баландлиги оддий товушга қараганда узоқ давом этадиган оҳангдор товушлар воситасида инсон ички дунёсини ифодалайди. Энг аввало, ана шу ички дунё инсон миллатини, менталитетини белгилайди. Инсон унинг ташқи кўринишидаги фарқлар ҳам айни ўша ички дунё билан боғлиқ [5].

Истиқлол Ўзбекистон мусиқа ва қўшиқчилик санъати янада ривож топиши учун катта имкониятлар яратди. Ўзбеклар – улуғ бастакорлар, шоир ва адиблар, инсониятнинг маънавий-руҳий тадрижида ўзига хос ўрин тутишини қадимдан яхши билганлар. Шунинг учун байрамларда мусиқага алоҳида ўрин берилади. Қўшиқ ва мусиқага қалб озуғи сифатида қаралиши ҳам шундандир. Агар мумтоз куйларга жиддий қулоқ тутилса, у азалий ва абадий олам ҳақида “сўзлашини” англаш мумкин.

Мусиқа ёрдамида қўл ва оёқ ҳаракатларини ритм ва баданнинг пластик эгилувчанлиги билан бирор маънони ифода этиш усули рақс санъатига асос солди. Бу усуллар бирор мусиқий асбоб, куй ва ҳаракат уйғунлиги асосида миллий санъат сифатидаги ўз моҳиятини очиб беради. Шулар боис рақс санъатида ҳам миллийлик хусусияти ўз аксини топади.

Демак, миллий байрамлар мусиқа, рақс, сўз, бадиий безак, амалий санъат тур, ранг ва ранлар қоришмаси асосида ўзининг такрорланмас, ўзбекона томошавийлик хусусияти билан театрлаштирилган сахна кўринишига айланган. Натижада, байрам томошалари бевосита жамият ҳаёти, инсонларнинг ўзаро муносабатлари, коинот ва руҳият билан бўладиган жонли мулоқотлар ҳақидаги анъана ва маросимларнинг мантиқий боғлиқлигини намоён қиладиган таъсирчан томошага айланди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик даврининг театрлаштирилган байрамлари: эстетик тамойилларни ифодалаган воситалари; барча санъат турларини мақсадга мувофиқ жамлагани; безаклар ва миллий рамзларнинг уйғунлиги орқали эришилган бадиий яхлитлиги; миллионлаб кишилар онги ва қалбидан ўрин олганлиги билан қадрлидир. Шунинг учун, халқимизнинг қалби, дили, завқи, миллий руҳи билан боғлиқ ҳолда янги шакланган миллий байрамларнинг умумий савияси, бадиий ва ташкилий тайёргарлик томонлари мафкуравий масала ҳисобланиб, давлат ҳамда юртбошимиз эътиборида бўлди. Натижада, миллий байрамлардаги халқчиллик, байналминаллик, миллийлик, умуминсонийлик, тарихийлик каби фалсафий тамойиллар ҳамда унинг безакларидаги ғоявий-бадиийлик, тантанаворлик, гўзаллик ва улуғворлик каби эстетик категориялар байрамшунослар, оммавий тадбир мутахассислари изланишлари такрорланмас шакл ҳамда фақат ўзбекларга хос театрлашган бадиий мазмун топилишига асос бўлди.

#### **References:**

1. Nemirov O. V. Prazdnichniy gorod. – Leningrad: Xudojnik RSFSR, 1987.
2. Sokolov E.V. Svobodnoe vremya i kultura dosuga. – Leningrad: Nauka. OTD. Leninizdat, 1977.
3. Qoraboev U. O'zbek xalqi bayramlari. –Toshkent: SHarq, 2002.
4. Mamatqosimov J. Teatrlashtirilgan ommaviy tadbirlar. –Toshkent: TDMI, 2004.
5. Abdulla SHer. Estetika. - Toshkent, O'zbekiston. 2015.